# «ЎЗДЭУАВТО» — ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН АФСОНА

(Давоми. Боши 1-бетда).

маросим қатнашчиларини улкан муваффақият билан қутлаб, жумладан, шундай деди:

— Биз иқтисодиётимизни ислоҳ қилишни, унда таркибий ўзгаришларни амалга оширишни режалаштирар эканмиз, енгил йўлни қидирмадик. Ўтиш даврининг мураккабликларига қарамасдан улкан-улкан иншоотлар бунёд этишга киришдик. Ана шу қурилишлардан бири бугун тантанали равишда ишга туширилаётган «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасидир. Мана шу заводнинг ўзиёқ биз оғир йилларнинг катта синовидан нечоғлик муваффақият билан ўтганимизни кўрсатиб турибди. Мазкур корхона ўзбек ва корейс халқлари дўстлиги, амалий ҳамкорлиги рамзидир. Қолаверса, якдил ва тотув бўлган халқ нималарга қодирлиги ҳам мана шу автомобиль заводи мисолида яққол намоён бўлди.

Куни кеча мамлакатимиз Президентининг Фармонига биноан «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасини бунёд этишда фаол иштирок этган, Ўзбекистон-Жанубий Корея иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришга, ўзбек-корейс халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ Ўзбекистон ва Жанубий Корея фуқаролари Ватанимизнинг юксак орден ва медаллари, Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган эди. Ислом Каримов йиғилганларнинг қизғин олқишлари остида «ДЭУ» гуруҳи раиси Ким У Жунга «Дўстлик» орденини, ДЭУ президенти ва «ЎзДЭУавто» компанияси раиси Ли Кван Кига «Шуҳрат» медалини ва кореялик бошқа мукофотланганларга Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқларини топширди.

Маросимда Корея Республикаси Президентининг махсус вакили, Корея Республикасининг сиёсий ишлар бўйича биринчи вазири Ким Ток Ленг сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди: Сизларни «ЎзДЭУавто» автомобиль заводининг ишга туширилиши муносабати билан самимий табриклайман. Йилига 200 мингта автомашина ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу улкан заводнинг қурилиши 1992 йилда мамлакатларимиз ўртасида ўрнатилган дипломатик муносабатлар ҳамда мустаҳкамланиб бораётган ўзаро ҳамкорлик алоқалари самарасидир. Мен бу воқеани икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада юксалтиришга қўшилган муносиб ҳисса деб баҳолайман. Уни барпо этишда қўшимча 11 та фирма жалб этилгани Корея фирмаларини бу ишда яна ҳам кўпроқ қатнашишга ундайди. Марказий Осиёда биринчи автомобиль заводини барпо этишда қатнашган барча кишиларни яна бир бор қизғин табриклайман.

Маросим сўнггида йиғилганларни тарихий воқеа билан яна бир бор қутлаган Президент Ислом Каримов бу ишда бизга елкадош бўлган корейс биродарларимизга, бутун корейс халқига чин қалбдан миннатдорлик билдирсак арзийди, деди. — Халқимиз дилида бўлган ана шу самимий туйғуларни жаноб Ким Ток Ленг Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам жанобларига, барча ватандошларига етказади деб ишонаман!

Ислом Каримов, Ким Ток Ленг ва Ким У Жун рамзий лентани қирқадилар. Завод расман очиқ деб эълон қилинади.

«ЎзДЭУавто» қарийб 150 минг квадрат метр майдонни эгаллайди. Тақдимот маросими қатнашчилари замонавий корхонанинг фаолияти билан танишдилар. Маҳобатли қолиплаш, пайвандлаш, йиғув цехларида бўлиб, «ақлли» машиналарнинг иш жараёнини кўздан кечирдилар. Кореяда ўқиб келган 2 мингдан зиёд ўзбекистонлик ёшларнинг дўст мамлакат мутахассислари билан елкама-елка ишлаётганининг гувоҳи бўлдилар. Ишлаб чиқариш конвейеридан чиқиб келаётган бир-биридан гўзал «Тико», «Дамас» ва «Нексиа» машиналарини кўриб ҳайратга тушдилар. Бу чин маънода афсонанинг ҳақиқатга айланиши эди.

Тақдимот маросимидан сўнг Президент Ислом Каримов, Корея Республикасининг сиёсий ишлар бўйича биринчи вазири Ким Ток Ленг, «ДЭУ» гуруҳи раиси Ким У Жун журналистлар билан учрашдилар.

— Ишга туширилган мазкур иншоотнинг аҳамияти ниҳоятда улкандир, — деди Президент Ислом Каримов матбуот конференцияси иштирокчиларига мурожаат этаркан. — Ташкилий ишлар учун кетган вақтни ҳам қўшиб ҳисоблаганда икки ярим йил мобайнида Ўзбекистонда икки турдаги енгил машина ва микроавтобус чиқарадиган, мураккаб автоматлаштирилган линия ва ускуналарга эга бўлган, жаҳон андозалари билан рақобатлаша оладиган технологияга асосланган завод бунёд этилди. Бу мамлакатимизнинг улкан имкониятлари ва салоҳиятидан дарак берувчи, Ўзбекистон танлаган модель ва ислоҳотлар йўлининг тўғрилигини яна бир карра исботловчи, собиқ Иттифоқ ҳудудини қамраб олган иқтисодий бўҳрондан тезлик билан чиқа олганимизни кўрсатувчи воқеадир. Бу сифат жиҳатидан мутлақо янги ишлаб чиқаришни шакллантириш, хом ашё тайёрлашдан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтишдаги дадил қадам, таъбир жоиз бўлса, иқтисодиётимиздаги улкан бурилиш нуқтаси бўлди, десак хато қилмаймиз.

— Корея Республикаси жаҳондаги ўнта ривожланган мамлакат сирасига киради,— деди Ислом Каримов кореялик мухбирнинг, нега Сиз ҳамкор сифатида айнан «ДЭУ» корпорациясини танладингиз, деган саволига жавоб берар экан.— Бизни аввало мамлакатингизнинг саноати ривожлангани қизиқтирди. Ўзбекистон эса табиий ресурсларга жуда бой. Мана шу икки қутб бирлаштирилса, улкан натижаларга эришиш мумкин. Қолаверса, корейс халқининг табиатини ўрганишга ҳожат йўқ эди. Биз бу миллат вакиллари билан ўз диёримизда анчадан буён бир оила фарзандларидек яшаб келамиз. Корея Республикаси билан иқтисодий алоқаларимизнинг ривожланишида ана шу жиҳатлар асосий омил бўлган бўлса ажаб эмас.

Жаноб Ким У Жун Ўзбекистон телевидениеси мухбирининг саволига жавоб қайтарар экан, жумладан, шундай деди: Президент Ислом Каримовнинг бизнинг ватанимизга ташрифи чоғида у билан суҳбатлашганим мен учун бахтли тасодиф бўлди. Ана шу танишув натижаси ўлароқ, бугун сиз кўриб турган улкан ишларга тамал тоши қўйилди. Бугунги кунда Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикалари орасида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан энг барқарор давлатга айланди. Биз ҳамкорликда чиқараётган машиналар, ўйлайманки, Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётида яна бир муҳим омил бўлади.

Ўзбекистон телевидениеси мухбири Ким Ток Ленг жанобларига Ўзбекистон сизда қандай таассурот қолдирди, дея савол берди. Мен Тошкентга бундан 7 йил бурун келган эдим. Бу гал мамлакатингизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдим. Ўзбекистон Ислом Каримов етакчилигида келажак сари тўғри йўлдан дадил одимламоқда. Менда Президентингизнинг сиёсий зукколиги, иқтисодий масалаларда келажакни олдиндан кўра билиши, айниқса, ўзбек халқининг куч-қудрати, меҳнатсеварлиги катта ишонч ва ҳурмат уйғотди. Ана шу омилларнинг натижаси бўлмиш «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси билан сизлар қатори мен ҳам чин юракдан фахрланаман.

Матбуот конференциясида журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарилди.

...Биз автомобиль заводининг тайёр маҳсулотлар майдончасини кўздан кечирдик. Бу ерда турган қатор-қатор машиналарни кўриб кўз қувонади. Улар ҳадемай республикамизда ва хорижий мамлакатларда бунёд этилган салобатли автосалонлар сари йўл олади. Хуллас, ўзимизда ишлаб чиқарилган ранг-баранг енгил машиналар юртимизни обод қиладиган кунларга етиб келдик. Ана шу кун барчамизга муборак бўлсин!

Тақдимот маросимида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков, Бош вазир ўринбосарлари Д. Ғуломова, В. Чжен, М. Усмонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов қатнашди.

*Аҳмад ХЎЖА,*
*ЎзА махсус мухбири.*

# ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

*Туманлар йўқламаси:*

**ЧИЛОНЗОР**

**Бугунги кунда Тошкент улкан қурилиш майдонига айланиб кетди. Шубҳасизки Чилонзор туманида олиб борилаётган қурилишлар бунда салмоқли ўрин тутади.**

## БУНЁДКОРЛИК КЎЛАМЛАРИ



Туман ҳокимлиги қурилиш бўлими мутасаддиси Евгений Лим билан қурилиш майдонларини айланар эканмиз яна бир карра бунинг гувоҳи бўлдик.

— Шу йилнинг ўзида, — дея ҳикоя қилади Евгений Лим. — «Бешёғоч» бозорининг учинчи навбати қурилиши якунланяпти. Бунёдкорлик ишларини амалга ошириш жараёнида ўзбек халқининг миллий қадриятлари, анъналари, урф-одатларига асосий эътиборни қаратмоқдамиз. Мустақиллик байрами арафасида Марказ, 2, 6, 8, 10-мавзеларда ҳашаматли гузарлар фойдаланиш учун топширилади. Гузарларнинг ўзига хослиги шундан иборатки, унда ҳам маҳалла қўмитаси, ҳам маиший хизмат турлари, емакхоналар бир жойга жамланади.

Спорт мухлислари учун эса 2500 ўринли стадион жуда антиқа совға бўлишига сира шубҳа йўқ. Ундан ташқари туманимиз ҳудудидаги «Шифокор» ва «Алгоритм» меҳмонхоналари қайта таъмирланяпти.

«Отчопар» бозорида яна бир усти ёпиқ раста ҳамда юк сақлаш хонаси қуриляпти. Умумий овқатланиш шохобчалари мавжуд бўлган тўртта катта дўкон туманимиз аҳли учун яратилаётган яна бир қулайликлардандир. 19-мавзе ҳудудида, Кондратьев кўчасида кўп қаватли бир неча уйлар тез орада ўз эгаларига топширилади.

Ҳозирги кунда кўплаб маиший хизмат шохобчалари туман аҳлининг энг зарур юмушларини енгил қилишда яқиндан ёрдам бериб турибди. Бундай нуқталарни янада кўпайтириш режасидамиз.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи кун сайин чирой очиб кўркамлашиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, истиқлолга эришган кунимиздан бери нимаики ишларни амалга оширган бўлсак, халқимиз фаровонлиги, шаҳримизнинг яна ҳам гўзал бўлиши мақсадида бажарилган.

*СУРАТДА: «Бешёғоч» бозори шундай шарқона кўринишга эга.*

## НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

**Чилонзор тумани ижтимоий таъминот бўлими айни кунларда яхшигина таъмирланган бинода ўз ишини бошлади.**




Бугунги кунда бўлим тўла компьютерлаштирилган бўлиб, карияларга нафақа тўлаш, қайта ҳисоб-китоб қилиш ишлари ҳам компьютер орқали амалга оширилади. Бўлим ходимлари маҳалла, корхона ва ташкилотларга бориб, пенсияни расмийлаштириш юзасидан ҳужжатларни қандай тўлдириш зарурлигини тушунтириб беришади.

— Мустақиллик туфайли нафақахўрларимиз бир қанча имтиёзларга эга бўлдилар, — дейди биз билан суҳбатда бўлим мудири Татьяна Усмонова. — Автоёқилғи учун 50 фоиз компенсация тўланяпти. Ёлғиз қолган қариялар учун эса квартира ҳақи, шаҳар транспортида юриш, дори-дармонлар, 100 киловаттгача электр ҳақи, 285 сўмгача озиқ-овқат маҳсулотлари бепулдир. Ходимларимиз тез-тез уларнинг уйларига бориб, бозор-ўчар, майда-чуйда хизматларида яқиндан ёрдам беришяпти.

Бўлимда нафақахўрларнинг яшаш шароити ўрганиляпти. Тумандаги 158 та уруш фахрийсини саҳий ташкилотлар ўз оталиғига олган. Дам олиш масканларига йўлланмаларнинг тарқатилиши эса ҳеч бир нуроний отахону онахонни бефарқ қолдирмаса керак.

*СУРАТДА: туман ижтимоий таъминот бўлими мутахассиси Умида Рихсиева шаҳар ижтимоий таъминот ошқармаси мутахассиси Фотима Умарова билан пенсия масаласида маслаҳатлашмоқда.*

**«Мустақилликка эришган йилимиз дунёга келган гўдаклар мана беш ёшга тўлди, — деди Президентимиз Ислом Каримов. — Мен уларнинг навқирон йигит-қизлар бўлиб ўктам, кўркам, эркин вояга етишларини орзу қиламан...»**

## САХОВАТЛИ «ЖАСУР»




Туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Жасур» қўшма корхонасини ҳам юртбошимиз айтиб ўтган беш ёшли гўдакқа қиёсладим. Негаки, корхона том маънодаги истиқлолнинг меваси, у 1991 йили мустақиллик шарофати ила ташкил этилган. Корхонада асосан ногиронлар аравачалари, қўлтиқтаёқлар, ҳар тоифадаги ҳаракат мосламалари тайёрланади. Бу ерда барча жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар асосан Германиядан олиб келиниб, корхонада йиғилиб, тайёр маҳсулот ҳолига келтирилар экан.

— Биз жаҳонда энг тараққий этган давлат — Германия билан кенг ҳамкорликда иш олиб боряпмиз, — дея тушунтиради корхонанинг бош директори Аҳмаджон Рашидхўжаев. — Шу кунгача 50 минг қўлтиқтаёқ ишлаб чиқарган бўлсак, 20 минг таси Россияга сотилди.

Маълум бўлишича, корхона асосан дунёга машҳур немис фирмаси «Майра» билан яхши алоқада экан. Эндиликда бир неча ходимларни шартнома асосида Германияда таълим олиши кўзда тутиляпти. Умуман олганда, корхона ишчилари 20 кишини ташкил этадиган бўлса, шундан 14 таси ногиронлардир. Улар тайёрлаб бераётган аравача эса фақат Марказий Осиё давлатлари ногиронлари учундир. Ҳозирда корхона ҳудудида соғломлаштириш цехи қуриляпти. Шу ернинг ўзида гимнастика зали, сауна, ҳовуз, дам олиш хонаси қурилиши мўлжалланмоқда. Унинг «Жасур» — «Майра» ногиронларнинг ҳаракат ва реабилитация воситалари салони ҳам мавжуд бўлиб, салонда тайёр маҳсулотлар, аравачалар, мосламалар, махсус чўмилиш мосламалари харид учун қўйилган. Корхона «Байналмилал», «Матонат» каби ногиронлар спорт клубларидан ўз ёрдамини аямайди.

— Аввало ҳеч кимни ётгулик қилмасин, лекин кейинчалик ўз моделларимизни энг такомиллашган «Гэниус» аравачасига мослаш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Уни жаҳон бозорида «XXI аср аравачаси» ҳам дейишади, — изоҳ берди Аҳмаджон ака.

Биз ҳам 5 ёшли «Жасур»га порлоқ истиқболлар тилаб қолдик.



*СУРАТЛАРДА: «Жасур» корхонасида.*
*Рустам Шарипов олган суратлар.*

**Ватан киндик қонинг тўкилган жойдан, яна ҳам аниқроғи маҳалладан бошланади. Чилонзор туманида жами 44 та маҳалла мавжуд бўлиб, унда турли миллат вакиллари истиқомат қилишади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига биноан бугунги кунда туманнинг барча маҳаллаларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди.**

— Ана шу ҳисобот-сайлов тадбирлари маҳалла ҳаётида қандай аҳамиятга эга? — сўраймиз туман маҳаллалар билан ишлаш бўлимининг бошлиғи Абдували Каримбердиевдан.

— Биласизми, авваллари шундай ҳолатлар бўлардики, ҳатто маҳалла раиси ким ва умуман маҳалла қандай номланишини айримлар яхши билмас эди. Очиқ эътироф этиш керак, раис сайланарди-ю бундан кўплар бехабар қолаверишарди. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари шуни кўрсатдики, биз ҳали маҳаллаларда жуда кўп ишларни амалга оширишимиз зарур экан. Сайловлар натижасида аҳоли фикри билан бешта раиснинг фаолияти қониқарсиз деб топилиб, улар ўз вазифасидан озод этилди. Қолган 39 та маҳаллаларда эса раислар ўз ўрнида қолиб, келажакда бажариладиган ишларни янгича тарзда, замон талабига мос равишда қайта белгилаб олди. Эндиликда ички ишлар ходимлари, ҳуқуқ-тартибот, таълим-тарбия соҳасидаги мутахассислар маҳалла фаоллари сифатида маҳалла қўмитасига бириктириляпти. Бу эса вужудга келган айрим муаммоларни ижобий ҳал этишда яхши самара бермоқда.

*Ватан ичра Ватан*

## ҚАТРАДА ҚУЁШ АКСИ



Маълумки, бугунги бозор иқтисодига ўтиш даврининг муҳим тамойилларидан бири аҳолининг кам таъминланган табақаларини кучли ижтимоий ҳимоялашдир. Ҳозир туман маҳаллаларида асосий эътибор шунга қаратилиб даромади камроқ, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, ёлғиз қарияларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатилади.

— Фақат бугина эмас, — таъкидлайди Абдували ака, — маҳалла фаоллари оилавий келишмовчиликларни бартараф этиш, ижобий ҳал қилиш, ёш оилаларнинг беҳудага бузилиб кетмаслиги учун ҳам баҳоли қудрат ҳаракат қилишяпти.

Йигитларни армия сафига чақирув жойида эса маҳалла оқсоқоллари, ота-оналар, бўлажак аскарлар билан учрашиб, суҳбатлашиб ҳужжатларни расмийлаштиришда ёрдам берадилар. Бу борада айниқса «1-Чарх Камолон», «Маданият», «Олмазор», «2-Қизил Шарқ», «2-Қатортол», «Дўмбирობод», Ғафур Ғулом, «Новза» каби маҳаллаларда олиб борилаётган ишларни ўрнак қилиб кўрсатсак арзийди.

Халқимизда «Бир болага етти қўшни ота-она» деган жуда ибратомуз нақл бор. Бу гапларни биз бежиз айтаётганимиз йўқ. Туманнинг Усмон Юсупов номли маҳалласида мактаб билан фаоллар ўртасида жуда яхши алоқалар ўрнатилган. Аҳоли илтимосига биноан ҳокимлик билан ҳамжиҳатликда мактаб қуриляпти. Бир тасаввур қилинг, эски 270-мактаб ёнида болажонлар учун ҳашаматли бино қад ростлайди.

Яна бошқа бир қатор маҳаллаларда ўқувчиларнинг ёзги таътили мароқли ўтиши учун турли тўгараклар, спорт мусобақалари ташкил этилган.

Юртимиз истиқлолининг 5 йиллиги арафасида маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар кўлами билан қизиқдик.

— Эҳ-ҳе, мустақиллик байрамига тайёргарликлар туманимиз маҳаллаларида жуда жонланиб кетган, — дейди А. Каримбердиев. — Кўчаларни ободонлаштириш, ариқ-зовурларни тозалаш, қуриб қолган дарахт шох-шаббаларини кесиш, қабристонларни обод қилиш маҳалла аҳли эътиборидан четда қолмаяпти.

Байрам кунлари ҳар бир маҳаллада тантанали кечалар, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг дастур намойишлари бўлиб ўтади. Катта дошқозонларда тайёрланадиган байрам палови учун эса туман ҳокимлиги зарур маблағ ва маҳсулотларни аямайди.

Чилонзорнинг ҳар бир маҳалласидаги тинчлик-осойишталик, доно отахону онахонларнинг самимий тилакларию, кўча-кўйларнинг саранжомлигини кўриб кўз ўнгимизда ҳур Ўзбекистонимизнинг бир бўлаги намоён бўлганидан қувондик.

*СУРАТДА: туманнинг 2-мавзесида бунёд этилган гузар.*

**Кейинги пайтларда юртбошимиз томонидан аёлларнинг жамиятда тутган ижтимоий, сиёсий ўрнини янада кучайтиришга, ҳаётимизда юз бераётган оламшумул ислоҳотларга жалб этишга катта аҳамият берилаётгани жуда қувончли ҳолдир. Жойларда таркиб топган хотин-қизлар қўмиталари амалга ошираётган ишлар салмоғи тобора кенгайиб бормоқда. Чилонзор туман хотин-қизлар қўмитасининг бош мутахассиси Элмира Хўжаева билан суҳбатимиз ҳам ана шу мавзуда бўлди.**

## АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР

**— Ҳозирда қўмитамизда аёллар билан ишлаш борасида қатор хайрли тадбирлар ўтказилмоқда. Энг асосийси тадбирларимиз шунчаки қоғозда ёки киши кўзига бўлиб қолмасдан аёллар, қизларимиз учун амалий наф келтириш мақсадида ўз аниқ режаларимизни белгилаб олганмиз.**

— Туманда оилани мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, оила бузилишининг олдини олиш бўйича тегишли муассасалар билан ҳамкорликда иш юритяпмиз. Ҳар бир маҳаллада, ташкилот ва корхоналарда аёлларга юртимиздаги ижтимоий муҳофаза, болалар нафақалари, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш каби ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорларни тушунтириш борасида маърузалар тез-тез уюштириб турилади. Уларни бажариш учун ҳам зарур тадбирлар ишлаб чиқдик.

**— Сўзингиз бошида аёллар учун амалий нафи бўлган тадбирлар тўғрисида гапирдингиз...**

— Ҳа, бундай тадбирларни кўплаб уюштирамиз. Туманнинг барча маҳаллаларидаги «Истиқлолимиз — иқболимиз», «Қайнонам — онам менинг», «Аёллар ва болаларнинг ҳуқуқлари», «Соғлом авлод учун» мавзуларида олималар, шифокорлар, ҳуқуқшунослар, ижтимоий таъминот хизмати ходимлари билан суҳбатлар, учрашувлар аҳоли томонидан жуда яхши қабул қилинди. Булардан ташқари қўмитамиз қизларни турмушга тайёрлаш борасида ҳам ўз дастурини ишлаб чиқди. Унинг энг асосий ва зарурий йўналиши қизларни тиббий кўрикдан ўтказишдир. Дастурни яратишда соғлиқни сақлаш, халқ таълими, спорт, никоҳни қайд этиш бўлими, «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Тумандаги Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, махсус ўқув юртлари ҳамда мактабларда қизлар клуби ташкил этилди. Халқ таълими бўлими ҳар бир мактабда ҳуқуқ органлари вакиллари билан учрашувлар ўтказмоқда. Тарбиявий ишларни олиб боришда айниқса «Мактаб-оила-маҳалла» дастури катта ёрдам бермоқда.

**— Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш амалда қандай бажариляпти?**

— Туманда 6 минг кам таъминланган оила, 133 нафар боқувчисиз қария, 6900 ногиронлар яшайди. Уларга мунтазам равишда моддий ёрдам кўрсатиляпти. Уруш иштирокчиларини даволаниш, дам олиш масканларига бепул йўлланма билан таъминлаб турибмиз. «Совпластитал» каби саховатпеша корхоналар эса Наврўз, Мустақиллик байрамларида меҳрибонлик уйлари учун катта миқдорда маблағ ажратиб туришларини айтиб ўтишни ҳам жоиз деб биламан.

Умуман олганда истиқлолимизнинг 5 йиллиги арафасида нафақат маҳаллаларда, балки Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғида, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилаётган хайрли, сермазмун тадбирларимиз ортганидан ортиб бормоқда.

